

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**118 Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Мамлакатимизда болаларнинг дам олишини ташкил этиш, оромгоҳларда уларни соғломлаштириш чора-тадбирларини янада кучайтириш, бу борадаги ишларни тизимли равишда йўлга қўйиш ва мувофиқлаштириб бориш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

**1. Қўйидагилар:**

Республика оромгоҳларида болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш Концепцияси 1-иловага;

Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш юзасидан тизимли назорат ва мониторингни таъминлаш бўйича Мувофиқлаштирувчи гуруҳ (кейинги ўринларда Мувофиқлаштирувчи гуруҳ деб юритилади) таркиби 2-иловага\*;

Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш юзасидан тизимли назорат ва мониторингни таъминлаш бўйича Мувофиқлаштирувчи гуруҳ тузилмаси 3-иловага;

Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш юзасидан тизимли назорат ва мониторингни таъминлаш бўйича Мувофиқлаштирувчи гуруҳ тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**2. Қўйидагилар Мувофиқлаштирувчи гуруҳнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:**

болалар оромгоҳларида маиший, коммунал, транспорт ва тиббий таъминотнинг барча тизимлари ишончли ва узлуксиз фаолият кўрсатиши бўйича чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш;

болалар оромгоҳларига ёндош ҳудудларда содир бўлиши мумкин бўлган табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш чора-тадбирларини кўриш;

болаларни оромгоҳларга олиб бориш ва уларни дам олишдан кейин олиб қайтишда транспорт хизмати хавфсизлигини, шунингдек ёнғин хавфсизлигини таъминлаш;

болалар оромгоҳларида жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олиш, шунингдек болалар, тарбиячилар ва хизмат кўрсатувчи ходимлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича профилактика чора-тадбирларини кўриш;

болалар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларга сифат-

---

\* 2-илова берилмайди.

ли тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этиш, оромгоҳларни зарур дори-дармонлар ва тиббий воситалар билан таъминлаш;

барча оромгоҳларда болаларнинг яшаш, овқатланиш ва дам олиш жойларига қўйиладиган санитария-гигиена талабларига қатъий риоя этилиши, шунингдек озик-овқат маҳсулотлари сифати ва нормалари устидан кучли назоратни таъминлаш;

оромгоҳларда болаларни ватанпарварлик, умуминсоний ва миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларда эркин фикрлаш қобилиятини шакллантиришга қаратилган таълим-тарбиявий ишларни ташкил этиш;

болаларнинг ўқишдан ташқари вақтини сермазмун ўтказиш, уларнинг ҳам жисмоний, ҳам руҳий жиҳатдан хордиқ чиқаришларини таъминлаш, турли спорт мусобақаларини ўтказиш ва бу орқали болалар спортини оммалаштириш;

оромгоҳларда ўтказиладиган маданий-маърифий ва спорт тадбирларида республикадаги таниқли маданият, фан, адабиёт ва санъат ходимлари ҳамда спортчиларнинг иштирокини таъминлаш;

оромгоҳларга жалб этиладиган болалар салмоғини йилдан йилга ошириб боришни назарда тутган ҳолда, уларга кўрсатиладиган хизматлар сифатини яхшилаб бориш;

болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш юзасидан амалга оширилаётган ишларни доимий равишда мониторинг қилиб бориш, мазкур йўналишдаги ишларни янада такомиллаштириш юзасидан зарур чора-тадбирларни амалга ошириш;

болалар оромгоҳларининг моддий-техника базасини ривожлантириш бўйича тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, зарур ҳолларда, мазкур йўналишдаги ишларни янада такомиллаштириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига:

оромгоҳлар фаолият самарадорлигини оширишга доир ташкилий масалаларни ўз вақтида ҳал этиш, хавфсизлик ва тиббий хизмат, шунингдек болаларнинг мазмунли дам олишини таъминлаш бўйича ҳудудий Мувофиқлаштирувчи гуруҳларни тузсинлар;

ҳудудий Мувофиқлаштирувчи гуруҳлар мазкур қарорнинг 2-бандида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, фаолият йўналишларини белгиласин ҳамда гуруҳ аъзоларининг шахсий масъулияти ва жавобгарлиги кучайтирилсин;

болалар оромгоҳларини янги мавсумга ҳар томонлама тайёрлаш мақсадида уларни тўлиқ хатловдан ўтказсинлар ҳамда мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва етарли шарт-шароитлар яратиш юзасидан зарурий чора-тадбирларни амалга оширсинлар;

болаларнинг оромгоҳларда дам олишларини ташкил этиш ва соғломлаштириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида Мувофиқлаштирувчи гуруҳга мунтазам равишда ахборот бериб борсинлар.

4. Тасарруфида болалар оромгоҳлари бўлган вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари раҳбарларига:

оромгоҳларнинг самарали фаолият кўрсатиши, хавфсизлик ва тиббий хизмат, шунингдек болаларнинг мазмунли дам олишини таъминлаш бўйича зарурий ташкилий чора-тадбирларни кўрсинлар;

бир ой муддатда ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар;

болалар оромгоҳларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар белгилаб, амалга оширсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 июндаги 383-ф-сон фармойиши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 10 март,  
67-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2012 йил 10 мартдаги 67-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Республика оромгоҳларида болаларнинг дам олишини  
ташkil этиш ва соғломлаштириш  
КОНЦЕПЦИЯСИ**

Мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб ёшларни ҳар томонлама баркамол авлод этиб тарбиялаш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири этиб белгилаб олинди.

Мазкур йўналишда мамлакатимизда Муҳтарам Президентимиз Исом Каримов раҳбарлигида кенг миқёсдаги ислохотлар амалга оширилиб, бу борадаги ишлар кўлами йил сайин кенгайиб ва такомиллашиб бормоқда.

Амалга оширилган саъй-ҳаракатлар ўзининг самарасини бериб, ёшларимиз билим даражаси ошмоқда, уларнинг жисмоний ҳолати йилдан йилга ривожланиб бормоқда, ёшларимизнинг жаҳон майдонларидаги турли жабҳаларда эришаётган ютуқлари шарафига давлатимиз байроғи баланд кўтарилиб, унинг нуфузи ортиб бормоқда.

Мамлакатимизда болаларнинг дам олишини ташkil этиш ва соғломлаш-

тириш соҳасида эришилган ютуқлар ҳам бу борада Ҳукуматимиз томонидан амалга ошириладиган ишлар натижасидир.

Шу билан бирга, оромгоҳларга жалб этиладиган болалар салмоғини кўпайтириш, уларга кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш, оромгоҳлар нуфузини янада юксалтириш мақсади — ушбу йўналишдаги ишларни комплекс равишда такомиллаштириш ва ривожлантиришни, шунингдек унинг доимий фаолият юритувчи тизимини яратишни тақозо этмоқда.

Мазкур Концепцияда болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш асосий тушунчалари, мақсад ва вазифалари, оромгоҳлар турлари ва йўналишлари, оромгоҳларда болаларга кўрсатиладиган хизматлар ҳамда эришиладиган натижалар ўз аксини топган.

Концепция ўсиб келаётган авлодни болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш ҳамда ҳар томонлама баркамол авлод этиб тарбиялашнинг асосий талаб, мезон ва ғояларининг мамлакат миқёсидаги тўлақонли тизимини белгилайди.

Концепция Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги, «Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунларига, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция»сига асосланган ҳолда ишлаб чиқилган.

Концепция болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштиришни янада такомиллаштириш ва ривожлантиришга йўналтирилган фаолиятда ҳамда турли даражадаги дастур ва режаларни ишлаб чиқишда асос бўлиб хизмат қилади.

Ушбу Концепция, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча турдаги оромгоҳлар фаолиятига татбиқ этилади.

## I. Асосий тушунчалар

**Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш** — бу санитария-гигиена, санитария-эпидемиология ҳамда хавфсизлик талабларига тўлиқ жавоб берадиган ва қулай шароитда болаларнинг белгиланган кундалик ҳаёт тарзига риоя этиши, сифатли овқатланиши, ижодий салоҳиятининг ривожланиши, соғлом турмуш тарзи кўникмаларининг шаклланиши, дам олдирилиши, саломатликларининг тикланиши ва мустаҳкамланиши, жисмоний тарбия, спорт ва туризм билан шуғулланишларини таъминловчи комплекс тадбирлар мажмуидир.

**Дам олиш** — болалар организмнинг жисмоний ва руҳий функциялари тикланишига, унинг фаоллигини оширишга йўналтирилган махсус ижтимоий тадбирлар мажмуидир.

**Соғломлаштириш** — болаларнинг жисмоний ва руҳий саломатлигини яхшилаш, рационал овқатланиш ҳамда соғлиғини мустаҳкамлашга йўналтирилган тиббий, гигиеник, жисмоний тарбия тадбирларининг мажмуидир.

## **II. Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштиришнинг асосий мақсад ва вазифалари**

Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштиришнинг асосий мақсади — болаларнинг ўқишдан ташқари вақтини сермазмун ўтказиш, уларнинг ҳам жисмоний, ҳам руҳий жihatдан ҳордиқ чиқаришларини таъминлаш, улар онгига миллий ғояни, ватанпарварлик туйғуларини ҳамда миллий ва умуминсоний қадриятларни сингдириш орқали ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказишдан иборатдир.

Мазкур мақсадга эришиш учун амалга ошириладиган вазифалар қуйидагилардан иборатдир:

болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштиришни ташкил этиш ва амалга оширишнинг мукамал тизимини яратиш, республика оромгоҳлар тармоғини такомиллаштириш ва ривожлантириш;

болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш юзасидан ҳар йили режалар ишлаб чиқиш, зарур молиявий маблағлар манбаларини аниқлаш ва жалб этиш орқали ушбу режаларни тўлиқ амалга ошириш;

болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, унда бажариш муддатлари ва масъулларни аниқ кўрсатиш, ушбу режа ижросини мунтазам равишда назорат қилиб бориш;

болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштиришни ташкил этиш юзасидан вазирлик, идора, ташкилот ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш ва ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш, уларнинг таклиф ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва омалаштириш;

мазкур йўналишда ҳудудларда амалга оширилаётган ишларни жойининг ўзига чиққан ҳолда ўрганиб, доимий равишда мониторинг қилиб боришни йўлга қўйиш, уларни янада такомиллаштириш бўйича тегишли чораларни амалга ошириш;

болаларда бугунги кундаги «оммавий маданият»нинг турли иллатларига қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш, улар онгига умуминсоний ва миллий қадриятларни сингдиришга қаратилган дастурларни амалга ошириш, бу борадаги ишларга давлат ва жамоат ташкилотларини кенг жалб этиш.

## **III. Оромгоҳлар фаолиятининг асосий тамойиллари**

Оромгоҳлар фаолиятининг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат: болалар ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминлаган ҳамда рационал овқатланишни ташкил этган ҳолда, уларнинг сифатли дам олдирилиши ва соғломлаштирилишини ташкил этиш;

болалар манфаатларининг устуворлиги, уларнинг ижодий ривожланиши ҳамда ўз имкониятларини тўлиқ намоён этишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

ижтимоий меъёрлар ва оромгоҳ қоидаларига риоя қилган ҳолда, педагог ва етакчиларнинг болалар шахсини ривожлантириш ва уларнинг кўнгилли дам олишларини таъминлаш борасидаги ташаббусларини қўллаб-қаватлаш;

болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш мобайнида болалар онгига умуминсоний ва миллий қадриятларни сингдириш, уларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришга қаратилган маънавий-маърифий чора-тадбирлар амалга оширилишига алоҳида эътибор қаратиш.

Ҳар бир оромгоҳ жамоаси ўз ташкилий-педагогик фаолиятининг йўналишларини юқори даражадаги тегишли ташкилотлар тавсия ва кўрсатмалари асосида мустақил равишда ишлаб чиқади.

У ўз ичига соғломлаштириш, ривожлантириш, таълим-тарбиявий ва болаларни ижтимоий тиклаш дастурларини ишлаб чиқиш, болаларни ижтимоийлаштириш, улар ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг ривожланиши учун шароитлар яратиш кабиларни қамраб олади.

#### IV. Оромгоҳлар турлари

Оромгоҳлар 2 турга ажратилади:

**Стационар оромгоҳлар** — стационар база асосида қурилган ёки вақтинчалик ижарага олинган объектларда ташкил этилиб, унда болалар смена давомида яшайди.

Мазкур оромгоҳлар стационар оромгоҳлар жойлашуви, таъминоти ва кун тартибини ташкил этишнинг санитария талабларига асосан фаолият олиб боради.

**Кундузги оромгоҳлар** — умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, спорт, ижтимоий хизмат кўрсатиш, санаторий-курорт муассасалари, клублар қошида вақтинчалик ташкил этилиб, унда болалар фақатгина кундуз куни дам олдирилади ва соғломлаштирилади.

Ушбу оромгоҳлар фаолияти таътил даврида болаларнинг кундуз куни дам олишларини таъминлаш ва соғломлаштириш оромгоҳлари жойлашуви, таъминоти ва кун тартибини ташкиллаштиришнинг гигиена талабларига мувофиқ юритилади.

#### V. Оромгоҳларнинг фаолият йўналишлари

Оромгоҳлар болаларнинг ёшини эътиборга олган ҳолда, тарбиявий ишларнинг мазмуни бўйича қуйидаги ихтисослашган йўналишларда ташкил этилиши мумкин:

1. **Интеллектуал ривожлантириш оромгоҳлари.** Оромгоҳлар фан олимпиадалари, таълим соҳасининг турли даражадаги мусобақалари ғолиблари бўлган 10 — 14 ёшдаги болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш учун йўналтирилган бўлиб, унда бир ёки бир нечта фанлар ёхуд тиллар чуқурлаштирилган тарзда ўрганилишига эътибор берилади.

2. **Спорт-соғломлаштириш оромгоҳлари.** Оромгоҳлар 8 — 18 ёшдаги болалар ва ўсмирлар учун спорт йўналишидаги ўқув муассасалари тар-

бияланувчиларининг ўқув-машқ жараёнини давом эттиришлари, уларнинг спорт маҳоратини такомиллаштириш, жисмоний тайёргарлик даражасини ошириш, соғлиғини мустаҳкамлашга йўналтирилган бўлиб, унда болаларнинг ёши ва спорт турининг ўзига хос хусусиятлари асосида ҳар хил гуруҳлар тузилиши мумкин.

**3. Санаторий-соғломлаштириш оромгоҳлари.** Оромгоҳлар юрак-контмир тизимининг касалланиши, нафас олиш, овқат ҳазм қилиш органлари, таянч-ҳаракат аппаратининг ўзига хос бўлмаган хусусиятлари билан бетоб бўлиб турадиган 7 — 14 ёшдаги болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш учун ташкил этилади.

**4. Меҳнат ва дам олдириш оромгоҳлари.** Оромгоҳлар умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари 15 — 18 ёшдаги ўқувчиларининг ижтимоий фойдали меҳнати дам олдириш ва соғломлаштириш билан бирга қўшиб олиб борилишига йўналтирилади. Унда болалар ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрланади, уларнинг меҳнат кўникмалари шакллантирилади. Ўқувчиларнинг қизиқишлари ва эҳтиёжларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш оромгоҳни ташкил этишнинг асосий шarti ҳисобланади.

**5. Ҳарбий-спорт оромгоҳлари.** Оромгоҳлар 12 — 17 ёшдаги болаларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ёшларни Ватан муҳофазатига, Ўзбекистон Республикаси Қуроли кучлари сафларида хизмат қилишга тайёрлаш мақсадида ташкил этилади.

**6. Экологик-биологик, ўлкашунослик оромгоҳлари.** Оромгоҳларда 7 — 14 ёшдаги болалар учун сайёҳлик-ўлкашунослик ва экскурсия ишларининг серқиррали турлари ташкил этилади, уларга мамлакатимизнинг табиий, ижтимоий-иқтисодий ва тарихий жиҳатдан ўзига хос жиҳатлари чуқур ўргатилади.

**7. Ихтисослашган болалар оромгоҳлари.** Оромгоҳлар 7 — 14 ёшдаги болаларда етакчилик ва фаолликни шакллантириш, уларнинг ижтимоий мослашув кўникмаларини оширишга йўналтирилади.

Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштиришни амалга ошириш бўйича мутасадди ташкилотчиларнинг таклиф ва ташаббуслари билан бошқа йўналишларда ҳам оромгоҳлар фаолияти йўлга қўйилиши мумкин.

## VI. Оромгоҳларда кўрсатиладиган хизмат турлари

Оромгоҳларда болаларга кўрсатиладиган хизматлар қуйидагилардан иборатдир:

**1. Жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш, алоқа ва транспорт хизматлари.** Бунда:

оромгоҳлар ва уларнинг атрофидаги ҳудудларда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш бўйича ички ишлар органлари ходимларининг доимий навбатчилиги ташкил этилади;

болаларнинг дарё, анҳор ёки сув хавзаси бўйида бўлишлари, сайрга чиқишлари оромгоҳ етакчиси ёки тарбиячиси кузатувисиз бўлишига йўл қўйилмайди;

ҳар бир оромгоҳда ёнғин чиқиш ва табиий офат эҳтимолига қарши болаларни кўчириш режаси ишлаб чиқилади ва шунга асосан тайёргарлик кўрилади;

болалар ёнғин хавфсизлиги ва жароҳатланишнинг олдини олиш талабларига жавоб берувчи турар жой билан таъминланади;

оромгоҳ худудида бегона кишиларнинг бўлиши ёки яшашига мутлақо йўл қўйилмайди;

оромгоҳлардаги болалар ҳамда уларга хизмат кўрсатаётган ходимларнинг юзага келиши мумкин бўлган фавқулудда вазиятлар бўйича хушёрлигини ошириш юзасидан профилактик тадбирлар ўтказилади;

ҳар бир оромгоҳ шаҳарлараро телефон билан таъминланади, агар оромгоҳ жойлашган худудга телефон тармоғи ўтказилмаган бўлса, у ҳолда уяли алоқа воситаси билан таъминланади;

болалар белгиланган жойдан техник жиҳатдан соз бўлган транспорт воситаларида йўл патрул хизмати кузатувида оромгоҳларга олиб борилади ва олиб келинади;

болаларни саёҳат, экскурсия ва сафарларга ёки оромгоҳ томонидан ўтказиладиган бошқа тадбирларга олиб бориш ва олиб келиш учун транспорт воситалари ажратилади.

**2. Оромгоҳларни тиббий ёрдам билан таъминлаш, Давлат санитария назоратини ўрнатиш, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ҳамда сифатини назорат қилиб бориш хизматлари.**  
Бунда:

ҳар бир оромгоҳда тиббий пункт ташкил этилиб, у тез тиббий ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган барча дори-дармонлар ва тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланади;

болаларга доимий тез тиббий ёрдам кўрсатиш учун шай бўлган тиббиёт муассасалари олдиндан белгилаб қўйилади;

болалар оромгоҳга юборилишидан олдин шифокор ва тиббиёт ҳамшираси томонидан тиббий кўрикдан ўтказилади, тиббий ҳужжатлар текширилади, агарда болада бирор касаллик аломати аниқланса, унинг оромгоҳга жўнатилишига рухсат берилмайди;

болаларнинг ёши ва мавжуд касалликларини эътиборга олган ҳолда кун тартиби ишлаб чиқилади, рационал овқатлантириш ташкил этилади ва мунтазам равишда назорат қилиб борилади;

болаларнинг соғлиғи мунтазам равишда кузатиб борилади, улар шифокор томонидан режа асосида тиббий текширувдан ўтказилиб борилади;

болалар узлуксиз равишда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланади, уларнинг сифати ва белгиланган меъёрларга мослиги доимий равишда назорат қилиб борилади;

мавсумий касалликлар (ўткир ичак касалликлари) кўпайиши мумкин



бўлган ойларда тиббиёт ходимлари томонидан касалликнинг олдини олиш ва зарур бўлганда даволаш ишлари ташкил этилади;

юқумли касалликлар аниқланган тақдирда, бу ҳақда соғлиқни сақлаш муассасаларига ва Давлат санитария-эпидемиология назорати марказларига белгиланган тартибда маълум қилинади ва бемор бола оромгоҳ раҳбари назоратида шифохонага ётқизилади;

оромгоҳ ошхонаси иши устидан назорат олиб борилади, таомнома тузишда шифокор иштирок этади, тайёр овқатлар калорияси текшириб борилади, ташқаридан келтирилган озиқ-овқат маҳсулотлари шифокор рухсатисиз болаларга берилмайди;

озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати, сақланиши, идиш-товоқ ва технологик жиҳозларни ювишда санитария-гигиена талабларига риоя этилиши қаттиқ назоратга олинади;

болалар билан соғлом турмуш тарзи бўйича мутахассислар иштирокида давра суҳбатлари, учрашувлар, савол-жавоблар, даволаш-профилактик, санитар-гигиеник ва эпидемияга қарши тадбирлар ўтказилади, болаларнинг ёшини эътиборга олган ҳолда, улар ўртасида турли юқумли касалликларнинг олдини олиш бўйича санитария-оқартувишлар олиб борилади;

оромгоҳ жойлашган ҳудуд санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган ҳолда тартибга келтирилади ва тозаланади;

тиббиёт ходимларининг болалар саломатлиги ва оромгоҳда санитария-гигиена талабларига риоя этилиши учун, оромгоҳ раҳбарининг оромгоҳ ҳудуди тозаллиги учун жавобгар шахс эканликлари белгилаб қўйилади;

оромгоҳларда кўрсатилаётган тиббий хизматларнинг мониторинги олиб борилади.

### **3. Таълим-тарбиявий хизматлар.** Бунда:

ҳар бир оромгоҳда кутубхона ёки ахборот-ресурс маркази иши ташкил этилади, болалар китоблар, журнал ва газеталар билан таъминланади;

болаларнинг қизиқишлари ва иқтидорлари бўйича тўгараклар, болалар студиялари, компьютер синфлари, маҳорат дарслари ташкил этилади;

олимпиадалар, викториналар, билимлар танловлари, техник ва бадиий ижодиёт кўргазмалари ўтказилади, фан ва санъат арбоблари билан учрашувлар уюштирилади;

болаларнинг ёши ва саломатлигига мос келувчи ижтимоий фойдали ва педагогик мақсадга мувофиқ меҳнат турлари ташкил этилади;

хизмат кўрсатувчи ходимлар, айниқса, педагог ва етакчиларни оромгоҳ фаолиятига жалб этишда уларнинг ўз касбини пухта эгаллаганлиги, бола шахсини ҳурмат қилиши, ижодкорлиги, ташаббускорлиги, фидойилигига эътибор қаратилади.

### **4. Маънавий-маърифий ва маданий хизматлар.** Бунда:

оромгоҳ ҳудуди, бинолари, маънавият ва маърифат хоналари ноанъанавий ва қизиқарли равишда, миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган ҳолда ўзига хос жиҳозланади ва безатилади;

болаларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш, уларни ватанпар-

варлик ва миллий ғоя руҳида тарбиялашга қаратилган давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилади;

болаларнинг ёшига қараб, улар стол усти ўйинлари ҳамда ўйинчоқлар билан таъминланади;

маданият ва санъат тўғрисида суҳбатлар, ўқилган китоблар, намойиш этилган кинофильмларнинг муҳокамаси ўтказилади, бадиий ва илмий-оммабоп кинофильмлар, мультфильмлар, слайдлар, видеофильмлар намойиш этилади;

ёш томошабинлар театри ва бошқа ижодий жамоаларнинг болалар учун спектакллари, концерт дастурлари намойиш этилади, болаларнинг музейлар, кўرғазмаларга ташрифлари уюштирилади;

болаларнинг ёши, қизиқиш ва қобилиятларини эътиборга олиб, миллий мусиқа маданияти, тасвирий санъат, халқ ҳунармандчилиги, жаҳон маданияти ва санъати дурдоналари бўйича машғулотлар ўтказилади;

турли миллатга мансуб болалар учун янги дўстлар орттириш, тил ўрганиш ва дўстлик клублари ташкил этилади;

жисмоний ёки рухий ривожланишида нуқсонли бўлган болаларда жисмоний ва ақлий меҳнатга бирдай ҳурмат уйғотиш, уларда меҳнатсеварлик ва яратувчанлик хислатларини шакллантиришга қаратилган маҳорат дарслари ташкил этилади;

истеъдодли болалар билан ишлашда уларнинг ўз иқтидорларини намоён этишларига шароит яратиб берилади ва улар намунасида бошқа тенгдошларининг имкониятлари ҳам кашф этилади;

ҳар бир тадбир ўтказилишига юқори талаб ва масъулият билан ёндашган ҳолда оромгоҳдаги барча нарсалар болалар ёшига мос, уларнинг қизиқишлари, дунёқарашлари ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб тайёрланади;

оромгоҳ тартиб-қоидаларига амал қилиш, одоб-ахлоқ меъёрларини бажариш ва юксак интизомли бўлиш ҳар бир тарбияланувчига тушунтирилади;

оромгоҳ ҳудуди болалар дунёсига мос равишда турли баннер ва шиорлар билан безатилади.

#### **5. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги хизматлар.** Бунда:

болалар учун эрталабки гигиеник ҳамда даволаш гимнастикаси ўтказилади;

спорт ўйинлари ҳамда машғулотларини ўтказиш учун спорт майдончалари тайёрланади, улар спорт инвентарлари билан таъминланади;

сузиш, югуриш, юриш, футбол, волейбол, теннис, шахмат, стол тенниси ва спортнинг бошқа турлари бўйича спорт мусобақалари ҳамда машғулотлар ташкил этилади;

спортнинг оммавий турлари билан бир қаторда болаларнинг ёшини, билим даражалари, саломатликлари ва жисмоний имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, махсус машғулотлар ҳам ўтказилади;

болаларнинг ўзларига маъқул бўлган спорт секцияларига қатнашиши, турли мусобақаларда иштирок этиши таъминланади, мазкур тадбирлар бел-

гиланган тартибдаги тиббий кўрик остида амалга оширилиб, бу жараён тиббиёт ходимларининг назоратида бўлиши муҳимдир.

**6. Сайёҳлик ва экскурсия хизматлари.** Бунда:

болаларни сайёҳлик сафарлари ва экскурсияларга олиб чиқишдан олдин уларда экстремал ҳолатда ўзини тутиш кўникмалари шакллантирилади, хавфсизлик қоидалари тушунтирилади;

ишлаб чиқилган ва тасдиқланган йўналишлар бўйича турли экскурсиялар (шаҳар бўйлаб, шаҳардан ташқарида, дам олиш кунли йўналишлари ва бошқалар) уюштирилади;

ўлкашунослик, ёш табиатшунослик ва экологик йўналишларда амалий машғулотлар ўтказилади, бу жараёнда болалар табиат ҳодисаларини кузатишлари ва таққослашлари, экологик муаммоларни амалиётда ўрганишлари ва муҳокама этишлари, бевосита тажриба ўтказишлари мумкин.

**VII. Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштиришни амалга оширишга доир ташкилий чора-тадбирлар**

Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш юзасидан тизимли назорат ва мониторингни таъминлаш бўйича Мувофиқлаштирувчи гуруҳ ташкил этилади.

Мазкур Мувофиқлаштирувчи гуруҳ зиммасига болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштиришни таъминлашга доир барча чора-тадбирларни ташкил этиш, бу борада вазирликлар, идоралар, ташкилотлар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, мазкур йўналишда жойларда амалга оширилаётган ишларни таҳлилий ўрганиб, уларни янада такомиллаштириш ва ривожлантириш юзасидан зарур чора-тадбирларни амалга ошириш, зарур ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш вазифалари юкланади.

Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштиришни амалга ошириш ишларига давлат ташкилотлари билан бирга жамоат ташкилотлари ҳам кенг жалб этилади.

Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламдаги ишлар оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда ёритиб борилади.

**VIII. Эришиладиган натижалар**

Мазкур Концепцияда белгиланган вазифаларни амалга ошириш орқали қуйидаги натижаларга эришилади:

болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштиришнинг республика миқёсидаги тизими яратилади;

оромгоҳларни янгидан қуриш, капитал таъмирлаш, реконструкция қилиш,


уларнинг моддий-техник базасини яхшилаб бориш туфайли республика оромгоҳлар тармоғи такомиллаштирилади;

болаларни тизимли равишда дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш қамрови йилдан-йилга ортиб боради;

болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш юзасидан тизимли назорат ва мониторингни таъминлаш бўйича Мувофиқлаштирувчи гуруҳ даражасида оромгоҳларда хизмат кўрсатиш борасидаги вазифалар ва уларнинг ижрочилари аниқ белгиланганлиги сабабли хизмат кўрсатиш даражаси ва сифати яхшиланади;

ёш авлодда ҳозирги даврдаги «оммавий маданият»нинг турли иллатларига қарши мафкуравий иммунитет шакллантирилади.

**Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш чоратadbирларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш юзасидан тизимли назорат ва мониторингни таъминлаш бўйича Мувофиқлаштирувчи гуруҳ ТУЗИЛМАСИ**



Вазирлар Маҳкамасининг  
2012 йил 10 мартдаги 67-сон қарорига  
4-ИЛОВА

**Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш  
чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш  
юзасидан тизимли назорат ва мониторингни таъминлаш  
бўйича Мувофиқлаштирувчи гуруҳи тўғрисидаги  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш юзасидан тизимли назорат ва мониторингни таъминлаш бўйича Мувофиқлаштирувчи гуруҳи (кейинги ўринларда Мувофиқлаштирувчи гуруҳ деб юритилади)нинг асосий мақсади ва вазифалари, ҳуқуқлари, фаолиятини ташкил этиш тартибларини белгилайди.

2. Мувофиқлаштирувчи гуруҳ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Президентининг фармон, қарор ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишларига, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, шунингдек мазкур Низомга амал қилади.

3. Мувофиқлаштирувчи гуруҳ томонидан ўзига юкланган вазифаларни самарали ташкил этиш юзасидан қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш гуруҳ аъзолари учун мажбурий ҳисобланади.

**II. Мувофиқлаштирувчи гуруҳнинг асосий мақсади ва  
вазифалари**

4. Мувофиқлаштирувчи гуруҳнинг асосий мақсади оромгоҳларда болаларнинг сифатли дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш орқали ҳар томонлама баркамол авлоднинг вояга етишига кўмаклашишдан иборат.

5. Қуйидагилар Мувофиқлаштирувчи гуруҳнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

болалар оромгоҳларида маиший, коммунал, транспорт ва тиббий таъминотнинг барча тизимлари ишончли ва узлуксиз фаолият кўрсатиши бўйича чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш;

болалар оромгоҳларига ёндош ҳудудларда содир бўлиши мумкин бўлган табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш чора-тадбирларини кўриш;

болаларни оромгоҳларга олиб бориш ва уларни дам олишдан кейин олиб

қайтишда транспорт хизмати хавфсизлигини, шунингдек ёнғин хавфсизлигини таъминлаш;

болалар оромгоҳларида жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олиш, шунингдек болалар, тарбиячилар ва хизмат кўрсатувчи ходимлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича профилактика чора-тадбирларини кўриш;

болалар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларга сифатли тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этиш, оромгоҳларни зарур дори-дармонлар ва тиббий воситалар билан таъминлаш;

барча оромгоҳларда болаларнинг яшаш, овқатланиш ва дам олиш жойларига қўйиладиган санитария-гигиена талабларига қатъий риоя этилиши, шунингдек озик-овқат маҳсулотлари сифати ва нормалари устидан кучли назоратни таъминлаш;

оромгоҳларда болаларни ватанпарварлик, умуминсоний ва миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларда эркин фикрлаш қобилиятини шакллантиришга қаратилган таълим-тарбиявий ишларни ташкил этиш;

болаларнинг ўқишдан ташқари вақтини сермазмун ўтказиш, уларнинг ҳам жисмоний, ҳам руҳий жиҳатдан ҳордиқ чиқаришларини таъминлаш, турли спорт мусобақаларини ўтказиш ва бу орқали болалар спортини оммалаштириш;

оромгоҳларда ўтказиладиган маданий-маърифий ва спорт тадбирларида республикадаги таниқли маданият, фан, адабиёт ва санъат ходимлари ҳамда спортчиларнинг иштирокини таъминлаш;

оромгоҳларга жалб этиладиган болалар салмоғини йилдан йилга ошириб боришни назарда тутган ҳолда, уларга кўрсатиладиган хизматлар сифатини яхшилаб бориш;

болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш юзасидан амалга ошириладиган ишларни доимий равишда мониторинг қилиб бориш, мазкур йўналишдаги ишларни янада такомиллаштириш юзасидан зарур чора-тадбирларни амалга ошириш;

болалар оромгоҳларининг моддий-техника базасини ривожлантириш бўйича тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, зарур ҳолларда, мазкур йўналишдаги ишларни янада такомиллаштириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш.

### **III. Мувофиқлаштирувчи гуруҳнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги**

6. Мувофиқлаштирувчи гуруҳ қуйидаги ҳуқуқларга эга:

вазирлик, идора, ташкилот ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш ишларини сифатли ташкил этиш мақсадида тегишли йўналишлар бўйича топшириқлар бериш;

болаларни оромгоҳларда дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш чора-тадбирлари учун корхона, ташкилот ва муассасаларнинг ҳомийлик

маблағларини жалб этиш, ушбу маблағларни мақсадли ишлар учун йўналтириш ҳамда сарфланишини назорат қилиб бориш;

тегишли вазирлик, идора, ташкилот ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбар ходимларининг оромгоҳлар фаолиятини ташкил этиш борасида амалга оширилаётган ишлари тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш;

вазирлик, идора ва ташкилотлардан Мувофиқлаштирувчи гуруҳга юкланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш учун зарур ахборотларни сўраб олиш;

тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар мутахассислари, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларини болаларни дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш бўйича услубий материаллар тайёрлаш учун жалб этиш;

жойларда оромгоҳлар фаолиятига масъул бўлган мансабдор шахсларнинг лавозимига қонун ҳужжатлари талаблари бузилишига йўл қўйганларга нисбатан белгиланган тартибда чоралар кўриш тўғрисида тегишли органларга таклифлар киритиш.

7. Мувофиқлаштирувчи гуруҳ ўзига юкланган вазифалар ижросининг самарали амалга оширилиши юзасидан жавобгар ҳисобланади.

#### **IV. Мувофиқлаштирувчи гуруҳ фаолиятини ташкил этиш**

8. Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири — Мувофиқлаштирувчи гуруҳ раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари ва Ўзбекистон Қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси — Мувофиқлаштирувчи гуруҳ раисининг ўринбосарлари ҳисобланади.

Мувофиқлаштирувчи гуруҳнинг аъзолари тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар вакиллари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларидан иборат бўлади.

Мувофиқлаштирувчи гуруҳ таркиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Мувофиқлаштирувчи гуруҳ аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг таркибига уларнинг лавозимига янгидан тайинланган (сайланган) шахслар киритилади.

9. Мувофиқлаштирувчи гуруҳи раиси гуруҳ фаолиятини бошқаради, унинг мажлисларини олиб боради, мажлислар баёнларини тасдиқлайди.

10. Мувофиқлаштирувчи гуруҳ фаолиятида қарорлар қабул қилишда аъзоларнинг тенгҳуқуқлилиги ва коллегиялик тамойилларига амал қилинади.

11. Мувофиқлаштирувчи гуруҳ мажлислари йилига камида икки марта ўтказилади, Мувофиқлаштирувчи гуруҳ раиси томонидан ёки аъзоларнинг таклифига кўра навбатдан ташқари мажлислар чақирилиши мумкин.

12. Мувофиқлаштирувчи гуруҳ мажлислари унда аъзоларининг кўпчилиги иштирок этганда ваколатли ҳисобланади.

Мувофиқлаштирувчи гуруҳ қарорлари мажлисда иштирок этаётганлар-



нинг ярмидан кўпи қўллаб-қувватлаганда қабул қилинган ҳисобланади, овозлар тенг бўлганда раиснинг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

13. Зарурат бўлганда, Мувофиқлаштирувчи гуруҳ мажлисига кўриб чиқиладиган масалалар характериға қараб, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, жамоат ташкилотлари, корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарлари таклиф этилади.

#### **V. Мувофиқлаштирувчи гуруҳ таркибидаги ишчи гуруҳлар**

14. Мувофиқлаштирувчи гуруҳ ўз фаолиятини тизимли равишда йўлга қўйиш, белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажариш мақсадида 5 та асосий йўналиш бўйича Ишчи гуруҳлар тузади.

**1-ишчи гуруҳ. «Оромгоҳларда таълим-тарбиявий ишларни ташкил этиш, уларни малакали педагог ва етакчилар билан таъминлаш».**

Ишчи гуруҳ:

оромгоҳларни малакали педагог ходимлар билан таъминлайди, улар учун қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этади;

оромгоҳларнинг ахборот-ресурс марказларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг китоблари, бадиий адабиётлар, газета ва журналлар билан таъминлайди;

болаларни ватанпарварлик, умуминсоний ва миллий кадриятлар руҳида тарбиялаш, уларда эркин фикрлаш қобилиятини шакллантиришга қаратилган услубий қўлланмалар тайёрлайди ва ҳар бир оромгоҳга етказилади;

таълим йўналишлари бўйича турли танловлар, болалар онгини ривожлантиришга қаратилган ўйинлар ўтказиш, тўғарақлар ташкил этиш ишларини йўлга қўяди.

**2-ишчи гуруҳ. «Болаларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш, оромгоҳларда озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини, санитария-гигиена талабларига риоя этилишини назорат қилиш».**

Ишчи гуруҳ:

оромгоҳларни етарли миқдордаги барча зарур дори-дармон воситалари, шу жумладан, илон ва қорақурт захрига қарши зардоблар билан таъминлайди;

оромгоҳларни малакали тиббиёт ходимлари билан таъминлайди, улар учун қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этади;

оромгоҳларда озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимлик сувининг сифатини ҳамда санитария-гигиена талабларига риоя этилишини ўрганиб боради ҳамда аниқланган камчиликларнинг зудлик билан бартараф этилишини ташкил қилади;

болалар билан соғлом турмуш тарзи бўйича давра суҳбатлари, савол-жавоблар, даволаш-профилактик, санитария-гигиеник ва эпидемияга қарши тадбирлар ўтказилади, болаларнинг ёшини эътиборга олган ҳолда, улар ўрта-

сида турли юқумли касалликларнинг олдини олиш бўйича санитария-гигиенага доир тушунтириш ишларини олиб боради.

**3-ишчи гуруҳ. «Болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган маънавий-маърифий тадбирлар ва спорт мусобақаларини ўтказиш, уларга маданий хизмат кўрсатишни ташкил этиш».**

Ишчи гуруҳ:

маданий-маърифий тадбирларни ўтказиш мақсадида ҳар бир оромгоҳ бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқирилишини ва амалга оширилишини таъминлайди;

оромгоҳларга маданият ва фан ходимлари, ёзувчи ва шоирлар, машҳур спортчиларнинг ташрифини ташкил этиб, болалар билан учрашувлар, давра суҳбатлари, бадий кечалар, савол-жавоблар, маҳорат дарслари ўтказилади;

оромгоҳларда мумтоз ва эстрада санъаткорларининг чиқишларини, миллий концерт намойишларини ташкил этади;

оромгоҳларда ўзбек миллий кинофильмлари намойишларини ўтказилади;

болалар ўртасида турли спорт мусобақаларини ташкил этади.

**4-ишчи гуруҳ. «Оромгоҳларда жамоат тартибини сақлаш, алоқа, транспорт хизмати ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, фавқулодда вазиятлар бўйича профилактик тадбирлар ўтказиш».**

Ишчи гуруҳ:

болаларни дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш давомида оромгоҳларда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш бора-сидаги ишларни ташкил этади;

оромгоҳлардаги болалар ҳамда уларга хизмат кўрсатаётган ходимларнинг юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятлар бўйича хушёрлигини ошириш юзасидан профилактик тадбирлар ўтказилишини таъминлайди;

ҳар бир оромгоҳга ички ишлар ходимларини бириктириб, уларнинг доимий равишда навбатчилигини ташкил этади;

маҳалла посбонлари ва фаолларини жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш ишларига жалб этади;

болаларнинг белгиланган жойлардан оромгоҳларга бориб-келишларини таъминлайди, бунда йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари кузатувини ташкил этади;

оромгоҳларга болаларни олиб бораётган ва олиб келаётган ҳар бир транспорт воситасининг техник жиҳатдан соз бўлишини мунтазам равишда назорат қилиб боради;

оромгоҳларга олиб борадиган йўлларнинг хавфсизлик нуқтаи назаридан соз бўлишини таъминлайди;

юзага келадиган фавқулодда вазиятлар ва табиий офатларнинг олдини олиш учун барча зарур чораларни кўради;

тектоник ҳудудда жойлашган ёки сел келиши хавфи бўлган оромгоҳлар фаолиятини вақтинча ёпиш чоралари кўрилишини таъминлайди;

ички ишлар, фавқулодда вазиятлар ходимлари учун қисқа муддатли ўқув машғулотлари ёки ўқув курслари ташкил этади;

болалар учун йўл ҳаракати қоидаларига риоя этиш бўйича ўқув машғулотлари олиб борилишини таъминлайди.

**5-ишчи гуруҳ. «Оромгоҳларда электр энергияси ва табиий газ таъминоти узлуксизлигини таъминлаш, уларга сифатли коммунал хизмат кўрсатиш».**

Ишчи гуруҳ:

оромгоҳларда электр энергияси ва табиий газ узлуксизлигини таъминлайди, фавқулодда ҳолатларда электр энергияси ўчиб қолганда қўшимча чоралардан фойдаланиш имкониятини яратади, бу борада ҳар бир ҳудудда Штаблар ташкил этиб, уларнинг фаолиятини назорат қилиб боради;

оромгоҳларда тоза ичимлик суви таъминотини ташкил этади, чекка ҳудудларда жойлашган оромгоҳларга ичимлик сувининг махсус транспорт воситалари орқали узлуксиз равишда етказиб берилишини таъминлайди;

оромгоҳларда ободонлаштириш ишлари олиб борилишини ташкил этади, ободонлаштириш учун зарур бўлган махсус транспорт воситалари хизматларини ташкил этади.

15. Ҳар бири Ишчи гуруҳ раҳбари ҳузурида тегишли вазирлик ва ташкилотлар мутахассисларидан иборат таркибда жамоатчилик асосида фаолият олиб борадиган мониторинг гуруҳлари ташкил этилади. Уларнинг асосий вазифаси Ишчи гуруҳлар томонидан амалга ошириладиган ишлар тўғрисида таҳлилий ахборотлар тайёрлаб, Мувофиқлаштирувчи гуруҳ масъул котибига тақдим этиб боришдан иборат.

16. Ишчи гуруҳлар болаларни дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш бўйича ўз йўналиши бўйича белгиланган ишларни амалга ошириш, зудлик билан ҳал этиш лозим бўлган вазифаларни бажариш ва назорат қилиш бўйича малакали мутахассислардан иборат гуруҳлар тузиши ва уларнинг фаолиятини йўлга қўйиши мумкин.

## **VI. Ҳудудий мувофиқлаштирувчи гуруҳлар**

17. Жойларда болаларни дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштиришни ташкил этиш, Мувофиқлаштирувчи гуруҳ топшириқларининг ижросини ўз вақтида ва сифатли бажариш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари раҳбарлигида ҳудудий Мувофиқлаштирувчи гуруҳлар ташкил этилади.

Ҳудудий Мувофиқлаштирувчи гуруҳлар:

болаларни дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштиришни ташкил этиш бўйича жойлардаги ҳудудий идора ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

болаларни дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш режасини амалга ошириш учун талаб этиладиган молиявий маблағлар манбаларини аниқлаштиради;

оромгоҳларнинг моддий-техник базасини ривожлантириш, уларни рекон-

струкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш чора-тадбирларини амалга оширади;

оромгоҳларни белгиланган меъёрлар асосида, узлуксиз равишда сифатли озиқ-овқат ҳамда ғўшт маҳсулотлари билан таъминлашни мувофиқлаштиради;

оромгоҳларни зарур инвентарлар билан таъминлаш чораларини амалга оширади;

болаларни дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш чора-тадбирлари ижросини тўлиқ ва сифатли бажариш юзасидан хомийлик маблағларини жалб этади ва уларнинг мақсадли сарфланишини назорат қилади;

жойлардаги оромгоҳлар фаолиятини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлайди ва кўриб чиқиш учун Мувофиқлаштирувчи гуруҳга тақдим этади.

### **VII. Мувофиқлаштирувчи гуруҳ мажлисига материаллар тайёрлаш тартиби**

18. Мувофиқлаштирувчи гуруҳ мажлисига материаллар гуруҳ аъзолари, худудий гуруҳлар, тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар томонидан тақдим этилган маълумотлар, шунингдек оромгоҳларнинг болаларни қабул қилишга тайёрлиги ҳолатини ўрганиш материаллари асосида тайёрланади.

Мувофиқлаштирувчи гуруҳ мажлиси кун тартибининг ҳар бир масаласи бўйича ҳужжатлар пакетида гуруҳ қарорини қабул қилиш учун зарур бўлган материаллар (таҳлилий маълумотномалар, жадваллар ва бошқалар) ҳамда Мувофиқлаштирувчи гуруҳ қарори лойиҳаси мавжуд бўлиши лозим.

19. Мувофиқлаштирувчи гуруҳ мажлисига материалларни гуруҳ масъул котиби тайёрлайди, шунингдек у Мувофиқлаштирувчи гуруҳ қарорларининг ижроси мониторингини юритади ва унинг натижаларини Мувофиқлаштирувчи гуруҳ раҳбариятига кўриб чиқиш учун тақдим этади.